1925-YILDAN CHIQA BOSHLAGAN

O'ZBEKISTON YOSHLAR ITTIFOQI

Biz – kelajak bunyodkorimiz!

# YOSHLAR OVOZI

2018-YIL 8-MART, PAYSHANBA

28 (16185)

www.yoshlarovozi.uz
E-mail: yoshlarovozi@umail.uz

O'zbekiston yoshlar ittifoqining ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy, adabiy-badiiy gazetasi

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН УЧРАШУВДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, муҳтарама опа-сингиллар!

Ҳурматли дўстлар!

Ҳаммамиз орзиқиб кутган мана шу гўзал баҳор кунларида, 8 март – Халқаро хотин-қизлар байрами арафасида сиз, азизлар билан учрашиб турганимдан ғоят мамнунман.

Аввало, сизларни, сизларнинг тимсолингизда барча онахонларимиз, опа-сингилларимиз, дилбар қизларимизни ана шу байрам билан чин қалбимдан муборакбод этиб, ўзимнинг чуқур ҳурмат ва эҳтиромимни билдиришга ижозат бергайсиз.

Бу қутлуғ айёмда ҳурматли аёлларимизга энг самимий, энг эзгу тилакларимизни изҳор этар эканмиз, биринчи навбатда **муқаддас ва мўътабар Она сиймосига таъзим қиламиз.**

Аёлнинг нафосати ва назокати, вафо ва садоқати, ақл-заковати ва фидойилиги асрлар мобайнида ер юзида ҳаёт давомийлиги ва абадийлигига асос бўлиб келади. Шу боис ҳам дунёдаги энг буюк санъат асарлари, қўшиқ ва қасидалар, меъморий обидалар аёллар шаънига бағишлангандир.

Оила ва жамият устуни, ҳаётимизнинг файзи ва кўрки бўлган хотин-қизларни эъзозлаш, уларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш халқимиз учун азал-азалдан буюк қадрият бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Чунки **сизлар билан ҳаётимиз гўзал ва мазмунли, хонадонларимиз обод ва нурафшондир**.

Ҳеч шубҳасиз, Ўзбекистон деб аталган жонажон Ватанимизда ҳар қайси мард йигит аввало меҳрибон онаси, оиласи, фарзандлари бахтли бўлишини албатта истайди, ҳазрат Алишер Навоий бобомиз айтганларидек, бу йўлда ўзининг бутун борлиғини бағишлашга тайёр туради.

Бугунги байрамни биз – Ўзбекистон ўғлонлари, марди майдонлари аввало, дилимизда, қалбимизда сизларга бўлган меҳр ва муҳаббатимизни яна бир бор изҳор этиш имконини берадиган айём, деб қабул қиламиз.

Азиз ва муҳтарама опа-сингиллар!

Бугунги кунда Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган мақсад ва вазифаларга эришишда сиз, азизларнинг бекиёс ҳиссангиз бор. Бунинг учун сизларга ҳар қанча таҳсин ва тасаннолар айтсак, арзийди, албатта.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда турли соҳа ва тармоқларда меҳнат қилаётган ишчи ва хизматчиларнинг 45 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Жумладан, давлат ва жамоат ташкилотлари тизимида 1 минг 400 га яқин опа-сингилларимиз раҳбарлик лавозимларида меҳнат қилмоқда. Улардан 17 нафари сенатор, 16 нафари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати бўлиб, 1 минг 75 нафари эса халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари таркибида фаолият юритмоқда.

Ўнлаб опа-сингилларимиз “Ўзбекистон Қаҳрамони”, “Ўзбекистон фан арбоби”, “Ўзбекистон халқ ўқитувчиси”, “Ўзбекистон халқ шоири”, “Ўзбекистон халқ артисти” сингари давлатимизнинг юксак фахрий унвонларига, орден ва медалларига сазовор бўлган. Уларнинг орасида 500 нафардан зиёд фан докторлари ва академиклар, минглаб фан номзодлари ўз билими ва истеъдоди билан Ватанимиз равнақига астойдил хизмат қилиб келмоқда.

Бугунги давримизда ана шундай муҳтарама аёлларимизни, уларнинг давомчилари бўлган истеъдодли қизларимизнинг муносиб вакилларини кўриб турганимдан хурсандман.

Қадрли дўстлар!

Сизларга яхши маълум, ҳурматли опа-сингилларимизнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва нуфузини ошириш мақсадида яқинда **“Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент фармони** қабул қилинди.

Фармонда аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини кучайтириш, қонуний манфаатларини таъминлаш, қобилият ва салоҳиятини рўёбга чиқариш, оила институтини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни ҳимоя қилишга қаратилган кўплаб чора-тадбирлар белгиланди.

Ҳеч кимга сир эмас, Хотин-қизлар қўмитасидан, унинг жойлардаги бўлимларидан кўп нарсаларни талаб қилар эдик. Лекин, очиқ айтиш керак, бунинг учун уларда етарлича имконият борми-йўқми, бу ҳақда кўпинча ўйлаб кўрмас эдик. Бу қўмита аёлларнинг муаммоларини билгани билан, уларни ҳал этиш бўйича деярли амалий чоралар кўролмас эди.

Шуларнинг барчасини ҳисобга олиб, аввало Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг янгиланган тузилмалари тасдиқланиб, штат бирликлари ҳамда ходимларининг ойлик иш ҳақи оширилди. Уларга қўшимча ваколат ва имкониятлар берилиб, самарали фаолият юритиши учун зарур шароитлар яратилмоқда.

Фармонга биноан шу йил 1 апрелдан бошлаб фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида **хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассис лавозими** жорий этилмоқда.

Шунга эътибор беринг, энди 8 минг 800 та билимдон, жонкуяр мутахассис аёллар оилавий муносабатларни яхшилаш, низоли вазиятлар, ажралишлар, барвақт никоҳларнинг олдини олиш, оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш, хотин-қизларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси бўйича доимий иш олиб боради.

Ҳаммамиз яхши тушунамиз, бугунги тез ўзгараётган, зиддиятли даврда оилавий масалаларни илмий асосда чуқур ўрганмасдан туриб, ижтимоий ҳаётдаги кўплаб мураккаб саволларга жавоб топиш қийин. Шунинг учун Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида **“Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази ва унинг ҳудудий бўлинмалари ташкил қилинди** ва уларнинг иш фаолиятини самарали йўлга қўйиш, бино ва зарур жиҳозлар билан таъминлаш чоралари кўрилмоқда.

Шу билан бирга, илгари Адлия вазирлиги тасаррувида бўлиб келган фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини ёзиш идоралари, эскича айтганда, ЗАГС идоралари туман ёки шаҳар ҳокими ўринбосари – Хотин-қизлар қўмитаси раисига бўйсундирилди. Энди улар нафақат никоҳ муносабатларига оид ҳужжатларни расмийлаштириш, балки оила институтини мустаҳкамлаш, оилавий ажралишларнинг олдини олиш бўйича ҳам фаол иш олиб боради. Масалан, оила университетларини ташкил этиш, никоҳдан ўтадиган шахслар билан суҳбатлар олиб бориш, тўй-маросимларни тартибли ўтказиш, ажралишларнинг олдини олиш ва бошқа муҳим чора-тадбирларни амалга оширишда иштирок этади.

Шу фурсатдан фойдаланиб, сиз, муҳтарама опа-сингилларимиздан тўй ва маъракаларимизни ихчам ва мазмунли ўтказиш бўйича ўз фикрларингизни билдириб, уни ҳал қилиб беришларингизни илтимос қиламан.

Фармонга асосан **Хотин-қизларни ва оилани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш жамоат фонди** тузилиб, унинг фаолиятини самарали ташкил этиш учун ҳозирча 300 миллиард сўм маблағ ажратилмоқда.

*(Давоми 2-саҳифада)*

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## 8 МАРТ – ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ БАЙРАМИ МУНОСАБАТИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Жамиятимизда хотин-қизларнинг ўрни ва нуфузини ошириш, уларнинг оилаларни мустаҳкамлаш, ёш авлодни ватанпарварлик, истиқлол ғояларига садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, халқимизнинг кўп асрлик бой маънавий меросини асраб-авайлаш, ижтимоий-иқтисодийислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириш ва аҳоли фаровонлигини юксалтириш борасидаги улкан хизматларини муносиб қадрлаш мақсадида юртимизнинг ишлаб чиқариш тармоқлари, тадбиркорлик, илм-фан, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият, санъат ва бошқа соҳаларида самарали меҳнат қилиб келаётган бир гуруҳ аёлларимиз фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан мукофотлансин:

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЁШЛАР МУРАББИЙСИ»**

**Касимахунова Анархан Мамасадиковна** – Фарғона политехника институтининг «Электр энергетикаси» кафедраси профессори, Фарғона вилояти

**Маруфова Гулнора Махмудовна** – Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раисининг ўринбосари

**Шахабитдинова Шохида Хошимовна** – Андижон давлат университетининг «Ўзбек тилшунослиги» кафедраси профессори, Андижон вилояти

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЖУРНАЛИСТ»**

**Утениязова Алтингул Палуановна** – Қорақалпоғистон Республикаси телерадиокомпанияси «Қорақалпоғистон» телеканалининг катта муҳаррири

**«ФИДОКОРОНА ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Рахматуллаева Шафоатхон** – Қўқон шаҳар мусиқали драма театри актёри, Фарғона вилояти

**«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Бобомуродова Хосият** – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоира

**Боймурадова Жумахол Норбоевна** – Зарбдор туманидаги «Тинчлик» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Жиззах вилояти

**Ирисбекова Каммуна Наринбаевна** – «Алоқабанк» акциядорлик тижорат банки бошқаруви раиси

**Истамқулова Мафиратхон Мамажановна** – Наманган вилояти қирғиз миллий маданий маркази раиси

**Қобулова Мавлуда Умаржоновна** – Сурхондарё вилояти ҳокимининг ўринбосари – хотин-қизлар қўмитаси раиси

**Махмудова Дилбар Пиримкуловна** – Эркин ижодкор, ёзувчи ва публицист

**Отажанова Масуда Юлдашевна** – Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусиқали театри солист-вокалисти

**Салимова Шарипа** – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоира

**Тохтаева Гузал Кашибовна** – Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмасининг Республика Кенгаши раиси ўринбосари

**Тулегенова Акшагул Абуевна** – Конимех тумани халқ таълими бўлими мутахассиси, туман қозоқ миллий маданий маркази раиси, Навоий вилояти

**II ДАРАЖАЛИ «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Надирханова Наталья Суратовна** – Бухоро вилояти перинатал маркази директори

**Турдиева Матлюба Халимовна** – Самарқанд шаҳридаги 2-оилавий поликлиника бош шифокори, Самарқанд вилояти

**«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Абдуллаева Санам Раимовна** – «Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонаси Марказий кон бошқармасининг 2-гидрометаллургия заводи кран машинисти, Навоий вилояти

**Абдурахимова Мухайё Рахматуллаевна** – Чимбой туманидаги «Lanextrakt» қўшма корхонасининг ташқи иқтисодий масалалар бўйича директори, Қорақалпоғистон Республикаси

**Жумаева Мавжуда Шодмоновна** – Косон туманидаги «Кўзмунчоғим» нодавлат мактабгача таълим муассасаси мудири, Қашқадарё вилояти

**Зунунова Сахабат Исламовна** – «Оила» илмий-амалий тадқиқот марказининг Сирдарё вилояти бошқармаси бошлиғи

**Иплина Антонина Александровна** – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоира

**Кадирханова Малика Акбаровна** – «Тадбиркор аёл» уюшмасининг Тошкент вилояти бўлими раиси

**Касимова Мукаддас Зайнутдиновна** – Мирзо Улуғбек туманидаги Алишер Навоий номли маҳалла фуқаролар йиғинининг хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси, Тошкент шаҳри

**Мухаммадиева Хушвак** – Пахтачи туманидаги «Авангард» фермер хўжалиги пиллачиси, Самарқанд вилояти

**Садуллаева Фарахат Аминовна** – Урганч шаҳридаги «Урганч миллий тикувчилик» оилавий корхонаси раҳбари, Хоразм вилояти

**Саттарова Фароғат** – «Оила» илмий-амалий тадқиқот марказининг Жиззах вилояти бошқармаси бошлиғи

**Сафарова Замира Хайдаровна** – Ғиждувон туманидаги «Ғиждувон Машҳураси» хусусий корхонаси раҳбари, Бухоро вилояти

**Турдикулова Шахлохон Уткуровна** – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Биоорганик кимё институти директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари

**Хатамова Рислигой Гофуржановна** – Эркин ижодкор, шоира

**Юлдашева Мухабат Айсарахуновна** – Қўрғонтепа туманидаги «Капитал белла» масъулияти чекланган жамияти директори, Андижон вилояти

**Юлчиева Гулнора Дехкановна** – «Маҳалла зиёси» Республика ўқув-услубий маркази директорининг ўринбосари

**«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН**

**Азизова Мафтуна Рахматулло қизи** – «Ҳунарманд» уюшмасининг Бойсун тумани бўлими аъзоси, гиламдўз, Сурхондарё вилояти

**Жалилова Муътабар Абидовна** – Тошкент шаҳридаги «Мурувват» ногирон болалар учун 2-интернат уйи тарбиячиси

**Журабаева Сахиба Эргашевна** – «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш цехи сирловчиси, Тошкент вилояти

**Кокотова Ольга Николаевна** – Гулистон шаҳридаги «Қувонч» мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси, Сирдарё вилояти

**Наврузова Лола Хушмуродовна** – Қарши шаҳридаги «Санам» масъулияти чекланган жамиятининг тикув цехи устаси, Қашқадарё вилояти

**Ражабова Сара Дурдиевна** – Ҳазорасп туманидаги «Шовот» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Хоразм вилояти

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри, 2018 йил 7 март*

## ҲАЁТ ГУЛИ, ЖАМИЯТ ТАЯНЧИНИ ҲАМИША ЭЪЗОЗЛАЙМИЗ

**Она диёримиз узра кўклам нафаси уфуриб турган шу кунларда барчамиз баҳор ва аёл деган ардоқли сўзларнинг бир-бирига нақадар ҳамоҳанг ва уйғун эканини беихтиёр ҳис этамиз. Чунки, баҳор ҳам, аёл ҳам инсон кўнглида аввало ҳаётга муҳаббат, эзгу орзу-интилишлар, меҳр ва саховат каби олижаноб ҳиссиётларни уйғотади.**

Пойтахтимизнинг “Ўзэкспомарказ” миллий кўргазмалар залида 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Унга Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳридан Ватанимиз равнақи йўлида самарали меҳнат қилаётган, жамият ҳаётининг барча жабҳаларида фидокорона фаолият олиб бораётган аёллар, иқтидорли қизлар, мамлакатимизда фаолият юритаётган дипломатик корпус вакиллари сафидаги хотин-қизлар таклиф этилди.

Байрам иштирокчилари дастлаб Мустақиллик ва эзгулик монументи – Бахтиёр она ҳайкали пойига гул қўйди. Пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойлари билан танишди.

Тантанали тадбирда Президент Шавкат Мирзиёев иштирок этиб, мамлакатимиз хотин-қизларини табриклади.

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг жамият ҳаётида ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ўз қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариши учун шарт-шароит яратиш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш, оналик ва болаликни ҳар томонлама муҳофаза қилиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони муҳим дастурамал бўлиб хизмат қилмоқда.

Ҳозирги вақтда мамлакатимиз хотин-қизлари орасида 500 нафардан зиёд фан доктори ва академик, 15 нафар Ўзбекистон қаҳрамони, 17 сенатор, 16 депутат бор, шунингдек, маҳаллий Кенгашлар депутатларининг 23 фоизидан зиёдини ҳамда турли соҳа ва тармоқларда меҳнат қилаётган ишчи ва хизматчиларнинг 45 фоизини хотин-қизлар ташкил этади.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йилида амалга оширишга оид Давлат дастурида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, давлат ва жамият бошқарувидаги ўрнини кучайтириш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, оила асосларини янада мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар белгиланган.

Бу йилги байрам тадбири ҳар йилгидан кўтаринки руҳда ўтмоқда. Жамиятимизда хотин-қизларнинг ўрни ва нуфузини ошириш, ёш авлодни ватанпарварлик, истиқлол ғояларига садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш борасида, тадбиркорлик, илм-фан, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият, санъат ва бошқа соҳаларда самарали меҳнат қилиб келаётган бир гуруҳ аёлларимиз фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан мукофотланди.

Бундан ташқари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан бир гуруҳ қизлар аъло хулқи, ноёб истеъдоди, зукколиги, ташаббускорлиги, ўқишдаги муваффақиятлари ҳамда таълим, фан, адабиёт, маданият, санъат, спорт соҳаларида ва жамоатчилик фаолиятида эришган алоҳида ютуқлари учун Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланди. Эътиборли жиҳати, улар сони 28 нафарга етди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев иштирокчи аёлларга юксак мукофотларни тантанали равишда топширди.

Байрам санъат усталари ва ёш ижрочиларнинг концерт дастури билан якунланди.

**Абу Бакр ЎРОЗОВ,**
**ЎзА мухбири**

## ФАРҒОНАДА “ЁШЛАР ҲАФТАЛИГИ”



**Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташаббуси билан Фарғона вилоятида “Мамлакат тараққиётига ҳисса қўшишга тайёр тур!” шиори остида “Ёшлар ҳафталиги”га старт берилди. Улкан миссияда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга масъул барча ташкилотлар вакиллари иштирок этмоқда.**

3-саҳифага қаранг

### *Ўзбекистон Республикаси Президентининг* ҚАРОРИ

## ЗУЛФИЯ НОМИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТИ БИЛАН ТАҚДИРЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда мўътабар аёл зотига муносиб ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, уларнинг жамиятимиздаги ўрни ва нуфузини ошириш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, ўзининг иқтидори ва ибратли фаолияти билан ёшларга ўрнак бўлиб келаётган қизларни рағбатлантириш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Зулфия номидаги Давлат мукофотини таъсис этиш бўйича таклифларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги 1999 йил 10 июндаги ПФ-2326-сонли ва «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2018 йил 2 февралдаги ПФ-5325-сонли Фармонларига асосан:

1. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳузуридаги Зулфия номидаги Давлат мукофоти комиссиясининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг иқтидорли қизларини аъло хулқи, ноёб истеъдоди, зукколиги, ташаббускорлиги, ўқишдаги муваффақиятлари ҳамда таълим, фан, адабиёт, маданият, санъат, спорт соҳаларида ва жамоатчилик фаолиятида эришган алоҳида ютуқлари учун Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирлаш тўғрисидаги таклифлари иловадаги рўйхатга мувофиқ маъқуллансин.

2. Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланганларга 8 март – Халқаро хотин-қизлар байрамига бағишлаб ўтказиладиган тантаналарда совриндорлик дипломлари ва кўкрак нишонлари топширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорларининг ҳар бирига энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баравари миқдорида пул мукофоти берилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаларининг ибратли фаолияти, уларнинг ноёб истеъдоди ва эришган ютуқларини кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Т.Нарбаева зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри, 2018 йил 2 март*

4-саҳифага қаранг

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН УЧРАШУВДАГИ НУТҚИ

*(Бошланиши 1-саҳифада)*

Ана шу маблағ ҳисобидан хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, меҳнат шароитларини яхшилаш, айниқса, қишлоқ жойлардаги ёш қизларни оилавий ва хусусий тадбиркорликка, ҳунармандликка кенг жалб этишга алоҳида эътибор қаратилади. Бу борадаги саъй-ҳаракатлар фаол тадбиркорликни ривожлантириш, аёлларнинг оиладан, фарзанд тарбиясидан ажралмаган ҳолда касаначилик, томорқачилик билан шуғулланиши учун зарур шароит яратади.

Қабул қилинган Фармонга мувофиқ, кам таъминланган, шахсий уй-жойга муҳтож оилаларга уй-жой олиш учун ажратиладиган кредитларнинг бошланғич бадалларини тўлаб беришда ҳам фонд маблағларидан фойдаланиш белгиланган.

Фармонда яна бир муҳим янгилик кўзда тутилган. Унга биноан бу йилдан эътиборан **Зулфия номидаги Давлат мукофотини ўн тўрт ёшга тўлган ва ўттиз ёшдан ошмаган иқтидорли қизларга бериш бўйича янги тартиб жорий этилди**.

Энди ҳар йили Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан икки нафардан қизимизга бу мукофот берилади.

Бу йил 28 нафар истеъдодли қизимиз Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлди. Бугун уларга ана шу мукофотларни сизларнинг ҳузурингизда тантанали равишда топширамиз.

Албатта, Фармонда белгилаб берилган долзарб вазифалар ҳақида яна узоқ гапириш мумкин. Лекин, ҳаммамиз яхши тушунамиз, бу вазифалар ҳали – мақсад, режа, холос, уларни самарали амалга ошириш учун ҳаммамиз, аввало, сиз, ҳурматли хотин-қизларимиз билан биргаликда фаол иш олиб боришимиз керак.

Муҳтарам йиғилиш иштирокчилари!

Хабарингиз бор, ўтган бир йил давомида биз **халқимиз, жумладан, хотин-қизлар билан мулоқот олиб боришни давлат сиёсати даражасига кўтардик.** Шу асосда қишлоқ ва шаҳарларимизда уйма-уй юриб, ижтимоий-маънавий муҳитни ўрганиш, бу борадаги муаммоларни ҳал этиш бўйича самарали тизим яратилди. Ҳозирги вақтда ана шу тизимнинг муҳим бир қисми сифатида марказдан тортиб энг олис туманларгача **жамоатчилик назорати гуруҳлари** фаолият кўрсатмоқда.

2017 йилда 5 миллиондан ортиқ хонадондаги муҳит ўрганилиб, 15 миллион фуқаро билан мулоқот ўтказилди, аҳоли томонидан кўтарилган 500 мингдан зиёд муаммонинг 72 фоизи жойида ҳал этилди, 14 мингдан ортиқ оиладаги нотинч вазият бартараф қилинди. Шулар қаторида юртимизда яшаб келаётган, лекин фуқаролиги бўлмаган 1 минг 100 дан ортиқ шахсга Ўзбекистон фуқаролиги берилди. Улар орасида юзлаб аёллар ҳам борлиги ва уларга нисбатан адолатнинг тикланганини, ҳеч шубҳасиз, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш йўлидаги муҳим қадамдир.

Мамлакатимизда шу пайтгача хотин-қизларни энг кўп безовта қилиб келган масала – мактабгача таълим муассасаларини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Бу чуқур ўйланган сиёсат бўлиб, юртимизда узлуксиз таълим ва тарбия тизимини мукаммал шакллантириш имконини беради.

Шу нуқтаи назардан қараганда, "**Келажак – боғчадан бошланади**" деган шиор баландпарвоз гап эмас. Аслида ватанпарварлик, эл-юртга фидойилик бир қарашда оддий, лекин ҳаёт талаби бўлган ана шундай долзарб ишлардан бошланади.

Биз бу йил **3 мингдан зиёд болалар боғчасини ташкил этишни режалаштирганмиз**. Шундан 1 минг 200 та боғча янгитдан қурилади, 1 минг 360 та боғча мавжуд биноларда ва 470 та боғча эса уй боғчаси сифатида ташкил этилади. Бу борада давлат-хусусий шериклик муносабатлари асосида ҳудудларга бириктирилган тижорат банклари ва тадбиркорлар имкониятларини кенг ишга соламиз.

Мен ҳудудларга борганимда шаҳар ва туманларимизда барпо этилаётган янги боғчалар, улардаги шароитлар билан танишишга алоҳида эътибор бераман. Энг асосийси, бундай ишлардан оналар, аёлларимиз, жажжи фарзандларимиз мамнун бўлмоқда.

Айни вақтда бу соҳада ҳал қилишимиз зарур бўлган масалалар ҳам кўп. Масалан, ушбу тизимда фаолият кўрсатаётган қарийб 60 минг тарбиячининг атиги 21 фоизи олий маълумотли, қолгани эса ўрта махсус маълумотга эга.

Ана шу масалани ҳал қилиш учун 2018-2019 ўқув йилидан бошлаб **олий ўқув юртларида мактабгача таълим йўналиши бўйича кундузги бўлимда бакалаврлар тайёрлайдиган 3 йиллик тизимни** жорий этмоқдамиз. Шунингдек, бу йўналиш бўйича **сиртқи ва кечки таълим шаклида бакалаврлар тайёрлаш тизими** ҳам йўлга қўйилади.

Март ойидан бошлаб ҳудудларимиздаги университет ва педагогика институтлари базасида боғча педагоглари ва шу соҳада мутахассис бўлмаган кадрлар учун ярим йиллик ўқув дастурлари асосида **қайта тайёрлаш курслари** ташкил этилмоқда.

Хабарингиз бор, биз ушбу соҳа ходимларининг машаққатли меҳнатини рағбатлантириш мақсадида яқинда алоҳида қарор қабул қилдик. Унга кўра, шу йил 1 мартдан бошлаб **боғча ходималарининг иш ҳақи икки босқичда сезиларли равишда ошириб борилади**. Ана шу мақсадлар учун 2018 йилда давлат бюджетидан 386 миллиард сўм қўшимча маблағ ажратилади.

Бундан ташқари, 2023 йилнинг 1 январигача Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Навоий, Қашқадарё, Сурхондарё ва Бухоро вилоятидаги иқтисодий аҳволи оғир бўлган айрим туманларда мактабгача таълим муассасаларида боғча тўловлари миқдори 50 фоизга камайтирилди.

Қадрли юртдошлар!

Мамлакатимизда **оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш** мақсадида тиббиёт соҳасини, хусусан, шошилинч тиббий ёрдам тизимини янада такомиллаштириш, дори-дармон таъминотини яхшилаш бўйича кўп ишлар қилинмоқда. Ана шу ишларни янги босқичга кўтариш учун жорий йилда бюджет маблағлари ҳисобидан қарийб 1 триллион сўм маблағ ажратилиб, бу борада янги қадамлар қўйилади.

Барча ҳудудларда перинатал ёрдам сифатини яхшилаш, оналар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий хизмат даражасини ошириш мақсадида халқаро молия институтларининг ёрдамини ҳам жалб этиш кўзда тутилмоқда.

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг дам олиши, саломатлигини тиклашига ҳам катта эътибор берилмоқда. Бу ҳақда гапирганда, бир рақамга диққатингизни қаратмоқчиман. Ҳар йили касаба уюшмаларига қарашли санаторийларда дам олаётган аҳолининг 60 фоизини аёллар ташкил этмоқда. 2017 йилда 75 мингга яқин аёл ана шундай масканларда имтиёзли йўлланмалар асосида соғломлаштирилди.

Шу билан бирга, қишлоқ врачлик пунктлари фаолиятини, профилактика ва патронаж тизимини янада такомиллаштириш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Айни вақтда ҳаммамиз яхши биламиз, бу соҳада ҳам муаммолар йўқ эмас. Хусусан, ҳомиладор аёлларни скрининг кўригидан ўтказиш ишлари талаб даражасида эмас. Бу борадаги жиддий камчиликларга барҳам бериш мақсадида оилавий поликлиникалар ва қишлоқ врачлик пунктларида **қизларимиз, аёлларимиз учун алоҳида тиббий маслаҳатхоналар** ташкил этилмоқда.

Бу масалаларнинг аҳамиятини сизлар она сифатида, тарбиячи ва мураббий сифатида, ўйлайманки, бошқалардан кўра яхшироқ тушунасиз.

Биз халқимизнинг талаб ва истакларини инобатга олиб, кўп йиллар давомида оғир масала бўлиб келган **уй-жой муаммосини ҳал қилишга киришдик.**

Бу борада, айниқса, ипотека кредитлари асосида қурилаётган **арзон уй-жойлар** кўпчиликка маъқул бўлмоқда.

Ўтган йили шаҳар ва қишлоқларимизда жами 3,5 миллион квадрат метрдан зиёд намунавий уйлар ва кўп қаватли уй-жойлар барпо этилиб, минглаб юртдошларимиз янги, замонавий турар жойларга эга бўлишди. Хусусан, ижтимоий ҳимояга муҳтож ва ногиронлиги бўлган фуқароларнинг турмуш шароитини яхшилаш, уларга имтиёзли уйлар ажратиш бўйича янги тизим жорий этилгани, айниқса, муҳим аҳамиятга эгадир.

2017 йилнинг ўзида 1 минг 207 нафар муҳтож, ногирон аёлга арзон уй-жойлар берилди. Уларнинг 972 нафарига ҳомий ташкилотлар томонидан тикув машиналари олиб берилиб, касаначилик билан шуғулланиши учун шароит яратилди.

Жорий йилда бу йўналишдаги ишларимиз янада кенгайтирилиб, 10 мингдан ортиқ ижтимоий ёрдамга муҳтож, ногирон аёллар иш ўринлари билан таъминланади. 2018 йилда аҳоли, айниқса, ёш оилаларнинг эҳтиёжини ҳисобга олиб, арзон уй-жойларни қуриш ҳажми 1,5-2 баробар оширилади. Бу мақсадлар учун 5 триллион 286 миллиард сўм маблағ йўналтирилади.

Шу билан бирга, оғир маиший шароитда яшаётган, боқувчисини йўқотган, ногиронларни парвариш қилаётган оилаларга 242 миллиард сўм маблағ ажратилади.

Ўтган йили мамлакатимиз бўйича 120 мингдан ортиқ тадбиркор хотин-қизларга жами 2 триллион 700 миллиард сўмлик кредитлар берилди, 84 мингдан зиёд хотин-қизларимиз доимий иш жойлари билан таъминланди, аёлларни касбга ўқитиш курслари ташкил этилиб, уларда минглаб опа-сингилларимиз турли касбларга ўргатилди.

Сизларга маълумки, биз 2018 йилни юртимизда **Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили,** деб эълон қилдик. Шу муносабат билан қабул қилинган Давлат дастури доирасида тадбиркор аёлларга бу йил 2 триллион 800 миллиард сўмлик кредит маблағлари ажратиш мўлжалланмоқда.

**Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш бўйича икки йиллик мораторий эълон қилингани** оилавий бизнес, касаначилик, хусусий тадбиркорлик ривожи учун кенг имкониятлар очиб бермоқда.

Ўтган йили **маданий-гуманитар соҳаларни ривожлантириш** бўйича қилинган ишлар ҳам хотин-қизларнинг ҳаётий манфаатларига бевосита дахлдор, деб ўйлайман. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси ва бир қатор вилоятларда олий ўқув юртларининг филиаллари, истеъдодли ўғил-қизларимиз учун улуғ адибларимизнинг номлари билан аталган **ижод мактаблари** ҳамда **"Темурбеклар мактаблари", "Улуғбеклар мактаблари"** барпо этилди.

Албатта, миқёси ва кўлами тобора кенгайиб бораётган бундай эзгу ишларимиз ҳақида яна кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Лекин биз бу ишларнинг барчасини катта йўлдаги дастлабки қадамлар, деб биламиз. Ҳаётимизни янгилаш, оналаримиз, опа-сингилларимизни рози қилиш мақсадида бошлаган ишларимиз биз кутган амалий натижаларни бериши учун келгусида уларни янада кучайтирамиз.

Ҳурматли юртдошлар!

Бугунги кунда халқаро терроризм, экстремизм, наркотрафик, ноқонуний миграция, одам савдоси, экологик муаммолар кучайиб бораётгани бутун инсониятни, жумладан, бизни ҳам қаттиқ хавотирга солмоқда. Бундай мураккаб шароитда юртимизда ва минтақамизда тинчлик ва осойишталикни асраш ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этиб бормоқда.

Биз бу борада қўшни давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор бермоқдамиз.

Мана, эрта-индин Тожикистон Республикасига давлат ташрифи билан борамиз. Яқин қўшнимиз бўлган бу мамлакат билан ҳам кўплаб муҳим масалаларни ўзаро муҳокама қилиб, уларни амалий жиҳатдан ҳал этиш ниятидамиз.

**Биз хорижий мамлакатларда қонуний асосда меҳнат қилаётган, таълим олаётган фуқароларимизга нисбатан муносабатни тубдан ўзгартирдик.**

Юртимиздан махсус делегациялар бориб, чет эллардаги ватандошларимиз билан учрашувлар ўтказаётгани, уларнинг меҳнат ва яшаш шароитларини яхшилаш, ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш бўйича маҳаллий бошқарув идоралари билан биргаликда зарур чора-тадбирлар кўрилаётганидан, ўйлайманки, сизлар хабардорсиз. Жумладан, хорижий давлатларда муваффақиятли ишлаб юрган юқори малакали олим ва мутахассисларимиз, врачлар, салоҳиятли инвесторлар – уларнинг орасида истеъдодли опа-сингилларимиз ҳам кўп – юртимизга таклиф этиб, ўз билим ва тажрибасини Ватанимиз равнақи йўлида ишлатиши учун барча шароитларни яратиб бермоқдамиз. Чунки бу инсонлар ҳам бизнинг ватандошларимиз, Ўзбекистон фуқароларидир. Шунинг учун биз бу ишларни келгусида янада кучайтирамиз.

Маълумки, мамлакатимизда **ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш** мақсадида диний-экстремистик оқимга мансуб шахс сифатида ҳисобда турадиган фуқароларга нисбатан муносабатимизни бутунлай ўзгартирдик. Бундай шахсларни ўзимизга яқин олиб, дардига қулоқ тутганимиз бугун ўз натижасини бермоқда. Ҳозирги вақтда ана шундай минглаб фуқаролар соғлом турмуш тарзига қайтарилди.

Бу дунёда энг ёмон нарса нима? Таъна ю маломат эмасми? Шу нуқтаи назардан қараганда, бу инсонларнинг оиласи, фарзандлари "Бу фалончининг хотини", "Бу фалончининг боласи" деган ҳар хил таъналардан қутулгани энг катта иш бўлди. Энди улар маҳаллада, мактабда, кўча-кўйда бошини кўтариб, ижтимоий ҳаётимизда фаол қатнашиш имконига эга бўлди. Бугунги кунда ана шу фуқароларнинг ҳаётий муаммоларини ҳал этиш, ишга жойлаштириш, тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирганларига банк кредитлари ажратиш бўйича аниқ чоралар кўрилмоқда.

Юртимизда тўғри йўлдан адашган инсонлар умуман бўлмаслиги учун бу борадаги ишларни сусайтирмасдан, изчил давом эттиришимиз керак. Ўз фаолиятимизни **жаҳолатга қарши маърифат** асосида ташкил этишимиз лозим.

Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий ва Имом Термизий номларидаги халқаро илмий-тадқиқот марказлари, Ислом академияси каби илмий-маърифий муассасалар ҳам айни шу мақсадларни кўзлаб ташкил этилгани барчангизга яхши маълум, деб ўйлайман.

Сиз, ҳурматли аёлларимиз ўзингизнинг оналик меҳрингиз, ҳаётий билим ва тажрибангиз билан фарзандларимизни турли хавф-хатарлардан асрашда, уларни мустаҳкам иродали, маънавий-интеллектуал жиҳатдан етук, жонажон Ватанимизга садоқатли инсонлар этиб тарбиялашда бундан буён ҳам куч-ғайратингизни аямайсиз, деб ишонаман. Айниқса, қиз болаларни ҳаётга тайёрлаш, уларни замонавий билимлар, касб-ҳунарларга ўргатишда биз аввало сизларга суянамиз.

Хабарингиз бор, ўтган йили кўпчилик ота-оналар, ёшларимиз, кенг жамоатчилик томонидан билдирилган таклифларни ҳисобга олиб, **умумтаълим мактабларида 11 йиллик тизимни тикладик**. Бундай қарорни қабул қилишда биринчи навбатда сизларнинг фикрингизни эътиборга олганимиз, қизларимизнинг тақдири, келажаги ҳақида ўйлаганимиз – буям айни ҳақиқат. Чунки қиз бола узоқ шаҳар ёки тумандаги коллежга бормасдан, ота-онасининг бағрида туриб, ўзининг қадрдон мактабида ўқишни давом эттирса, унинг ўзи ҳам, оиласи ҳам тинч-хотиржам бўлади.

**Фарзандлар тинчлиги, уларнинг бахти, камоли – жамиятнинг энг катта бойлиги**. Бунинг аҳамиятини ота-она бўлган одам билади. Айниқса, ҳозирги нотинч, мураккаб замонда бу ҳақиқатни янада чуқурроқ англаш – бу ҳам ҳаёт талабидир.

Ҳурматли анжуман қатнашчилари!

Бугунги даврамизда муҳтарам меҳмонларимиз – Америка Қўшма Штатлари элчиси Памела Спратлен хоним, Хитой Халқ Республикаси элчиси Цзянь Янь хоним, Франция элчиси Виолен де Вильмор хоним, Миср Араб Республикаси элчиси Амани Элетр хоним, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси бошлиғи Хелена Фрейзер хонимлар иштирок этиб, байрам қувончини биз билан баҳам кўришмоқда. Бу азиз меҳмонларимизни сизларнинг номингиздан, ўз номимдан самимий табриклаб, уларнинг келгуси фаолиятида катта ютуқ ва омадлар тилашга руҳсат бергайсиз.

Қадрли опа-сингиллар!

Биз шаҳар ва қишлоқларимиз, бутун юртимизни янада равнақ топтириш, халқимиз ҳаётини муносиб даражага кўтариш бўйича қандай режа ва дастурлар қабул қилсак, аввало сиз, азизларнинг орзу-ниятларингиз ва манфаатларингизни рўёбга чиқаришни ўз олдимизга вазифа қилиб қўйганмиз. Ҳозирги кунда бу борада катта амалий ишларни бошламоқдамиз.

Бутун мамлакатимиз бўйича замонавий лойиҳалар асосида улкан қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Бу борада, айниқса, **"Обод қишлоқ" дастури** муҳим аҳамиятга эгадир. Бу аввало аёлларимизнинг турмуш шароитини яхшилаш, уларнинг кайфияти, дунёқарашини юксалтиришга жуда катта ижобий таъсир кўрсатадиган дастурдир. Ана шундай дастурларимиз асосида йўллар, таълим ва тиббиёт, маданият, спорт масканлари, уй-жойлар янгиланмоқда. Минглаб замонавий ишлаб чиқариш корхоналари, кичик бизнес, туризм ва хизмат кўрсатиш объектлари барпо этилмоқда.

Айниқса, ички туризм бўйича яратилаётган имкониятлар юртимиз бўйлаб саёҳат қилиш, ўз тарихимиз ва маданиятимизни янада чуқур билишга қаратилгани билан эътиборлидир.

Ўйлайманки, Наврўз байрами муносабати билан белгиланган қўшимча дам олиш кунларида сизлар оилангиз, фарзандларингиз билан ана шундай шароитлардан фойдаланиб, мазмунли дам олиш имконига эга бўласиз.

Азиз опа-сингиллар!

Сўзимнинг охирида барчангизни Халқаро хотин-қизлар байрами билан яна бир бор чин қалбимдан табриклайман.

Менинг тилагим, менинг мақсадим битта – оилангиз, фарзандларингиз, эл-юртимиз бахтига ҳамиша соғ-омон бўлинглар!

Нега деганда, аёлларимизнинг бахти – халқимиз, жамиятимизнинг бахтидир.

Барчангизга оилавий хотиржамлик, хонадонларингизга тинчлик, файзу барака тилайман.

Доимо халқимиз, Ватанимизнинг юксак меҳри ва ардоғида бўлиш ҳаммангизга насиб этсин!

Катта раҳмат сизларга.

## МЕН ОНАМНИНГ ҚИЗИМАН



Шаҳноза ХОЛИҚОВА

Ёшлар иттифоқининг Самарқанд вилояти кенгаши томонидан шу номда кўрик-танлов ташкил этилди. Лойиҳа бешта йўналиш бўйича эълон қилиниб, ҳар бирида турли миллат вакилларидан иборат 16 нафардан қиз қатнашди.

Танлов доирасида иштирокчилар "Менинг онам" мавзуида бадиий суратлар чизиш, шунингдек, соч ўриш, кашта тикиш, қуроқ қураш, либослар дизайни борасидаги маҳоратини намоён этди.

— Бугунги беллашув менда ёрқин таассурот қолдирди, — дейди расмлар танлови ғолибиСитора Назарова. — Аёл мавзуси абадий. Уни таърифлаб, тасвирлаб тўймайсан. Ижодий ишим орқали ушбу назокат соҳибаларининг қадр-қимматини ифодалашга ҳаракат қилдим. Бошқа қизларнинг суратлари ҳам менга жуда ёқди.

Якунда беллашув ғолибларига совғалар топширилди.

## ОИЛА БАХТИ – ДАБДАБАДА ЭМАС

Тўйлар халқимизнинг узоқ асрлик анъаналари, урф-одат ва удумларини ўзида мужассам этганки, уни маънавий мерос сифатида қадрлаймиз. Чунки, миллий тўйларимиз шунга муносиб. Бироқ сўнгги йилларда ҳаётга енгил қарайдиган айрим ота-оналар истаги, балоғат ёшидаги бўлажак келин-куёвларнинг тизгинсиз хоҳиш-иродаси туфайли барқарорлашган гўзал анъаналар ва халқчил урф-одатларга путур ета бошлади. Бу иллат кундан-кун кучайиб, миллий қадриятларга ёт, ёш авлод ахлоқи, тарбиясига зид ўта зарарли удумлар оммавий тус ола борди.

Шу сабабли Президентимиз Шавкат Мирзиёев тўйларни тартибга келтириш, уларни ихчамлаштириш, исрофгарчиликларга йўл қўймаслик, миллий анъаналарни асраган ҳолда тарбиявий таъсир кучини ошириш вазифасини кун тартибига қатъий қилиб қўйди.

Аслида тўй-тантаналар бизда худди байрамдек хурсандчилик билан ўтказилади. Ота-оналар орзу қилиб кутадиган бу тадбирга қариндош-уруғни янада жипслаштиришга, ўзаро меҳр-оқибатни кучайтиришга хизмат қиладиган маросим деб қаралади. Халқимиз азалдан фарзандларининг камолоти, бахту иқболини кўришдек эзгу ният билан яшайди. Икки ёшнинг оила деб аталмиш муқаддас қўрғонни барпо этишга аҳд қилгани тўй-томоша, шоду хуррамлик, хурсандчилик билан нишонланган.

Дарҳақиқат, ҳар бир янги оила – жамиятнинг бир муҳим бўғини. Қизлар – оиланинг, элнинг ор-номуси, йигитлар – ор-номус қўриқчилари, деган гапни ёшларга кўп такрорлаймиз. "Бир марталик тўйимда хоҳлаганимни қиламан, ота-онамни ҳам айтганимга мажбур этаман. Истаганча машиналарни тўплаб, кийиниб, зўр санъаткор (отарчи)ларни чорлаб, дастурхонни нозу неъмат, ичимликлар билан тўлдириб, довруғли тўй ўтказаман", дейиш худбинлик ва ақлсизлик, ўйловсизликдир. Чунки бундай ёшларнинг маблағ қаердан, қандай келаётгани, оила қанча қарз ботқоғига ботаётгани билан иши йўқ...

Тўйлардаги сарф-харажатларнинг ошиб кетиши, халқимиз менталитетига тўғри келмайдиган одатларнинг кириб келишига хотинининг сўзидан чиқолмайдиган эркаклар, боласини бўлар-бўлмас орзу-истаклардан қайтара олмайдиган оталар айбдор эмасми? Аччиқ ҳақиқат шуки, тўйларни ташкиллаштириш, ўтказишда эркаклар ўз бурчини унутиб, ҳамма ташвишларни аёллар зиммасига юклаши, аниқроғи, ўз "рол"ини уларга бериб қўйиши тўйлардаги ортиқча дабдаба, ҳашаматга ўчлик каби салбий ҳолатларнинг юзага келишига сабаб бўлмоқда. Ахир ҳамма нарсанинг ҳисоби бор, жумладан, тўйнинг ҳам. Бу мураккаб жараённи чўтга солишга ҳаракат қилиб кўрилса, келгусида қариндош бўлиш истагидаги хонадонга бир неча марта совчи бориши, ёшларнинг дабдабали учрашувлари, бунда келин учун совға-саломлар тайёрлаш бир дунё харажатларни талаб қилади. Оддийроқ тўйхонага 350 кишини таклиф қилишни ҳисоблаганда битта ўртача тўй нархи 50-60 миллион сўмга бориб қолади. Ўртача ҳисоблаганда, йигит ва қиз томоннинг харажатлари тахминан 100-120 миллион сўмни ташкил этмоқда. Ундан кўра, тўйларга сарф қилинаётган бундай чиқимларни ёшларнинг ўқиши, ҳунар эгаллаши ёхуд бошқа зарур тадбирларни амалга ошириш учун сарф қилинса, мақсадга мувофиқ бўларди. Начора, ҳаммамиз шундай деймизу, аввало ишни ўзимиздан бошлашга, намуна бўлишга келганда, тилимизни тишлаб қоламиз.

Бугунги кунда ёш оилалар ўртасидаги ажримлар бизни кўпроқ ташвишга солмоқда. Оилавий ажримлар туфайли қанчадан-қанча болалар ота ёки она меҳридан мосуво бўлмоқда. Бунда ҳам тўйлардаги дабдабабозлик, сохта обрў ортидан қуваман деб, бор-будини тўйга сарфлаб, сўнг қарзга ботган қудаларнинг ўзаро жанжали, аёлларнинг ҳашаматли олди-бердилари бош сабаблардан бири саналади.

Такрор айтаман: барчамиз тўйларда ортиқча сарф-харажат ва исрофгарчилик кўпайиб бораётгани ҳақида бот-бот гапирамизу, ўзимизга келганда ўша исрофгарчиликни жимгина қилаверамиз. Бу борада маҳалла фаоллари, фахрийлар, маслаҳатчилар ва барчамиз улуғ ният ила бошлаган тўй-маросимларимизни ихчам, камчиқим ва кераксиз урфларсиз ўтишига ўз ҳиссамизни қўшмоғимиз лозим. Бу ҳисса эса шахсий намуна тариқасида қўшилса нур устига нур бўлур эди. Ахир оиланинг бахти, мустаҳкамлиги унинг қурилишидаги харажатларга эмас, икки ёшнинг бир-бирига меҳр-муҳаббатида, одоб-ахлоқи ва оила тўғрисидаги тушунчаларига боғлиқ.

Бу борада ёшларнинг ўзи ҳам чуқур, атрофлича ўйлаб, фикрлаб кўриши, куёв ва келин фақат бир-бирига дахлдор ахлоқий меъёрлардан хабардор бўлиши, улар миллат давомчилари сифатида миллий қадриятларни сақлашга масъул эканини ҳис этишлари шарт. Ўшандагина тўйлар файзли ўтади, оилада барака ва бахти тўкислик бўлади.

**Гулнора ТЎРАЕВА,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси.**
**ЎзА**

## Аёл борки, олам мунаввар

Азалдан аждодларимиз илму иқтидори, ихтиро ва кашфиётлари билан дунё аҳлини ҳайратга солиб келган. Уларнинг йўлини танлаган ёшлар бугун ҳам оз эмас. Фақат юртимиз илм-фанида айрим муаммолар ҳамон ечимсиз қолмоқда. Фарғона вилоятида давом этаётган "Ёшлар ҳафталиги" буни яққол намоён этди.

# ҲОКИМ ВАЪДА БЕРДИ

Ўзбекистон ёш фермерлари кенгаши етакчиларидан иборат гуруҳ ҳафталик доирасидаги миссиясини Бешариқ туманидан бошлади. Дастлабки очиқ мулоқот қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежида бўлиб ўтди. Унда тадбиркор, фермер бўлиш истагидаги 57 нафар йигит-қиз қатнашди. Муаммо ва таклифлар ўртага ташланди. Шулардан бири ёшларда фермерликка оид билим ва кўникмаларни шакллантиришга ёрдам берадиган агрокластер фаолиятини йўлга қўйиш хусусидаги таклифдир.

Ёш фермерлар кенгаши вакиллари мазкур ташаббусни амалга оширишга кўмаклашиш мақсадида шу куннинг ўзида туман ҳокими Расулжон Жўраев ҳузурига борди. Раҳбар ҳокимлик захирасидаги 10 гектар ер майдонини агрокластер учун ажратишга ваъда берди. Қолган ташкилий ишларни Ёшлар иттифоқининг маҳаллий кенгаши ўз зиммасига олди.


Н.Рузалиев

### ИШСИЗЛИК — БОШ МУАММО

Ўтган йилнинг ўзида бешариқлик ёшларнинг 400 нафардан зиёди олий ўқув юртларига ўқишга кирган. Мазкур кўрсаткич нафақат вилоят, балки бутун республика кесимида олиб қаралганда ҳам юқори ҳисобланади. Шунга қарамай, вилоят марказидан 130 километр узоқда жойлашган Бешариқда истиқомат қилувчи тенгдошларимиз ҳаётида айрим муаммолар учраб турибди. Масалан, қоғоздаги ҳисоботларга кўра, 2017 йилда тумандаги еттита касб-ҳунар коллежини 2 минг 852 нафар ўқувчи тамомлаган. Бироқ улардан 300 нафари ҳали-ҳануз ишсиз. "Ишга жойлаштирилди", деб айтилаётганларнинг ҳам бир жойда кўним топганига ишонч йўқ. Чунки айни вақтда туманнинг 1 минг 514 нафар аҳолиси чет элда юрибди. Ачинарлиси, улардан икки нафари коллеж ўқувчиси.

### ИЛДИЗИ ҚАЕРДА?

Туманда 3 минг 512 та юридик ташкилот бор. Лекин амалда фақат 1 минг 838 таси фаолият олиб бормоқда. Худди шундай "ўлик жон"лар кичик бизнес субъектлари орасида ҳам топилади. Нақ 1 минг 616 та-я!

— Тан олиш керак, бизда ишга солинмаган имкониятлар талайгина, — дейди туман Бандликка кўмаклашиш маркази раҳбарининг ўринбосари Жасурбек Раҳмонов. — Масалан, ҳудуддаги йирик ишлаб чиқарувчи корхоналар — "Бешариқтекстиль" ҳамда "Бешариқтўқимачи" ҳар йили 30-60 тадан иш ўрнини яратади. Аммо туманда мазкур соҳани эгаллаган кадрлар танқис. Кўряпсизми, иш бор-у, керакли мутахассис топилмаяпти.

Танганинг бошқа томони ҳам бор: аксарият ота-оналар фарзандини юқоридаги корхоналарда ишлатишни хоҳламайди. Эмишки, боласи тунги сменада қолса, тарбияси бузилиб кетади. Бизнингча, бу бекор гап. Ахир, оилада тарбия мустаҳкам бўлса, хавотирга ҳожат қолмайди-ку?

### КРЕДИТ ОЛАРДИМ-У, АММО...

— Туманимизда боғдорчиликка ихтисослашган 622 та фермер хўжалиги бор,— дейди ёш тадбиркор Зуҳриддин Абдураҳимов. — Уларда йилига ўртача 35-36 минг тонна мева етиштирилади. Бироқ бу маҳсулотларни қайта ишлайдиган бирорта ҳам корхонамиз йўқ. Ҳар бир рўзғорга зарур бўлган совун ишлаб чиқариш борасида ҳам тинмай изланяпман. Банклар кредит беришга тайёр. Фақат гаров масаласи қийинчилик туғдиряпти. Банк маблағи эвазига сотиб олинадиган ускуналарни гаровга қўйиш мумкин бўлганда эди, аминманки, кўпгина тадбиркорларнинг мушкули осонлашарди.

### ИМКОНИЯТ ОСМОНДАН ЧАЛПАК БЎЛИБ ЁҒИЛМАЙДИ

Ёшлар муаммоларини ўрганаётган гуруҳ аъзолари ўша куни тумандаги "Худойберди Тўйчибоев" фермер хўжалигида ҳам бўлди. Уларга 50 нафардан зиёд ёш тадбиркор ва фермер ҳамроҳлик қилди. Хўжаликнинг дала шийпони ва унинг ёнида барпо этилган фермада ўтказилган семинар-тренинг ҳар жиҳатдан эсда қоларли бўлди.

Меҳмонлар фермернинг ғалла майдонларини, Украинадан келтириб боқилаётган Голштейн зотли соғин сигирлари ва Польшадан келтирилган Сментал зотли оғир келбатли новвосларни, шу билан бирга, паррандачилик ва асаларичиликка доир уринишларини ўз кўзлари билан кўрди. Бу ишларнинг бошида фермернинг ўғли, Бешариқ қишлоқ хўжалиги коллежининг 3-босқич ўқувчиси Ёдгорбек Номозов тургани, унинг саъй-ҳаракатлари билан фермер хўжалиги янада равнақ топаётгани семинар-тренинг иштирокчиларини қойил қолдиргани аниқ.



# ФЕРМЕРЛАР ҚАНИ?!

Ёш фермерлар билан яна бир учрашув Тошлоқ агросаноат коллежида ташкил этилиши керак эди. Тадбир ўтишга-ўтди. Фақат масъулларнинг эътиборсизлиги сабаб унга бирорта ҳам фермер чақирилмаган. Боз устига, келганлар тадбирнинг мазмун-моҳияти у ёқда турсин, вилоят миқёсида бутун бошли "Ёшлар ҳафталиги" бўлиб ўтаётганидан ҳам бехабар. Шунга қарамай, Ўзбекистон ёш фермерлари кенгаши вакиллари ўқувчиларга тадбиркорликка доир муайян тушунча беришга ҳаракат қилди.

Ортган вақтдан унумли фойдаланиб қолиш истагида Ёш фермерлар кенгаши мутахассислари "Банноп-АБА" ва "Азимов Сирожиддин" фермер хўжаликларига ташриф буюрди. Хўжалик раҳбарлари билан суҳбат асосида муаммолари ўрганилди. Уларга фаолиятини кенгайтириш бўйича тегишли тавсиялар берилди.

# ОЛИМЛАРДАН ЭШИТАЙЛИК-ЧИ



Фарғона давлат университетида Республика ёш олимлар кенгаши вакиллари билан бўлиб ўтган мулоқот чоғида мавжуд камчиликлар рўй-рост тилга олинди. Тадбирда мустақил тадқиқотчи-изланувчилар, докторантурада таълим олаётган ёшлар, талаба ва магистрантлар иштирок этди.

Ёш олимлар кенгаши раиси Камолиддин Мирзараҳимов университетнинг илмий салоҳияти, илм-фан билан машғул йигит-қизларга яратиб берилган шароитлар, уларни қўллаб-қувватлаш механизми билан қизиқди. Бу ерда ишлаб чиқилган инновацион лойиҳа, ишланма ва техник моделларни ҳам кўздан кечириб, зарур тавсияларини берди.

Якунда икки муассаса ўртасида ўзаро ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Унинг доирасида жорий йил апрель ойида Ёш олимлар инновацион ярмаркасини ўтказишга келишиб олинди.

Навбатдаги учрашув Фарғона политехника институтида ташкил этилди. Мулоқот давомида ёш олимлар ўз ихтироси ёки фойдали моделига патент олиши учун бож тўлови, шунингдек, хизмат сафари харажатларини қисман институт ҳисобидан қоплаш, ҳар йили мақолалари иккита республика ҳамда битта халқаро илмий журналда эълон қилинишига кўмаклашиш, "Ёш олимлар ахборотномаси"ни чоп этишга доир амалий таклифлар маъқулланиб, рўёбга чиқарилиши маълум қилинди.

# ТЕАТР ЁШЛАРНИ КЎРГАНИ БОРДИ



"Ёшлар ҳафталиги"да Ўзбекистон давлат драма театри актёрлари, Ёш киноижодкорлар кенгаши ҳамда "PROlogue" қисқа метражли фильмлар фестивали ғолиб ва совриндорлари ҳам иштирок этмоқда.

Театр ижодкорлари томонидан ҳудуддаги ёшлар учун маданият ва аҳоли дам олиш уйлари, таълим муассасаларида Ўзбекистон халқ артисти Бахтиёр Ихтиёров томонидан саҳналаштирилган "Отасининг қизи" спектакли намойиш қилинди. Таниқли санъаткорлар — Азиза Бегматова, Жумадулла Раметов, Доно Бобохонованинг фарғоналик ёшлар билан учрашувлари кўтаринки руҳда ўтди.

Шундай тадбирлардан бири Бешариқ тумани маданият ва аҳоли дам олиш уйида ташкил этилди. Спектаклдан сўнг ўзининг Чеча образи билан машҳур бўлган Азиза Бегматова ёшлар билан китобхонлик маданиятини ошириш, санъатнинг нозик қирралари тўғрисида фикр алмашди. Шунингдек, меҳмонлар мезбон муассасада тайёрланаётган сумалак атрофида маҳаллий аҳоли билан самимий суҳбат қурди.

***

Ёш киноижодкорлар кенгаши ижрочи директори Дилмурод Саидов Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг Фарғона минтақавий филиали талабаларига маҳорат дарсини ўтди. Шу билан бирга, тадбирга келган "PROlogue" фестивали ғолиблари ўзбек киносининг истиқболи хусусида мулоҳаза юритди. Талабалар ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олди.

# УЛАРНИНГ КЎЗЛАРИ УМИДГА ТЎЛА


Ж.Эркинов

## БОЛАДА АЙБ ЙЎҚ!



Афсуски, тақдир изми ёки ота-онасининг ножўя амали сабаб ногирон бўлиб қолган. Бири эшитиш, бири гапириш қобилиятидан мосуво. Юролмайдиганлари, туролмайдиганлари ҳам бор. Лекин ҳар бири ўзига хос иқтидор соҳибидир.

Бу болажонлардан меҳру эътиборингизни дариғ тутмасангиз бас. "Ёшлар ҳафталиги" доирасида Имконияти чекланган ёшлар ва болалар маркази мутахассислари ана шундай миссия билан Фарғона вилоятининг турли ҳудудларига йўл олди. Таниқли актриса, марказ директори Раъно Шодиева бошчилигидаги гуруҳ биринчи бўлиб Қувасой шаҳридаги 90-махсус мактаб-интернатига етиб келди.

Мазкур муассасада кар ва соқов болалар таълим-тарбия олади. Уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, истеъдодини юзага чиқариш мақсадида бир қанча тўгараклар фаолияти йўлга қўйилган. Шароит етарли, бироқ малакали педагоглар етишмайди.

Яна бир муаммо эшитиш ва гапиришда нуқсони бор ўғил-қизларнинг олий маълумот олиши билан боғлиқ. Аксарияти имтиҳонлардан ўтишда қийналади. Шу боис уйида ўтириб қолишга мажбур.

— Афсуски, кар ва соқов болалар билан ишлайдиган тажрибали ва савияли мутахассисларга эҳтиёж ҳали ҳам юқорилигича қолмоқда, — дейди Раъно Шодиева. — Назаримда, олий маълумотли ўқитувчи-педагогларнинг шу йўналишга ихтисослашуви ҳақида жиддий бош қотириш керак. Бу бўйича яхлит тизим яратиш вақти келди. Ота-оналар учун ҳам махсус ўқувлар ташкил қилинса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Имконияти чекланган ёшлар ва болалар маркази экспертлари Фарғона шаҳридаги имконияти чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган касб-ҳунар коллежида ҳам бўлди. У ерда ёшлар учун яратилган шароитлар билан танишди. Шунингдек, айрим хонадонларга кириб, имконияти чекланган йигит-қизларнинг ҳолидан хабар олди.

# ЯРАШТИРИБ ҚЎЙИШДИ



Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашининг ёш оилалар билан ишлаш бўлими ҳамда Республика ижтимоий-психологик хизмат кўрсатиш маркази мутахассислари ўтган икки кун мобайнида Данғара, Бешариқ, Тошлоқ, Қувасой туманларидаги ўнлаб маҳаллаларга кириб, маънавий муҳитни ўрганди.

Ҳамма жойда вазият ҳар хил. Эр-хотин ўртасига совуқчилик тушиб, барбод бўлиш арафасида турган оилалар ҳам, афсуски, йўқ эмас. Иттифоқ вакиллари Тошлоқ туманидаги "Садда" маҳалласида яшовчи Акбаровлар хонадонига кирганида ана шундай дилхиралик устидан чиқди.

Бу уйда қайнонанинг айтгани-айтган. Шу туфайли тез-тез келишмовчиликлар юз беради. Охири, келин аразлаб, ота уйига қайтиб кетган. Орадан саккиз ой ўтибдики, ўртадаги ришта тиклангани йўқ. Орада битта фарзанд ҳам бор.

Иккала томоннинг фикрини эшитиб, вазиятни обдон таҳлил қилган ёшлар ташкилоти мутасаддилари охири ёшларни яраштиришга эришди. Қўштепа тумани "Шодлик" маҳалласида истиқомат қилаётган Асқаровлар хонадонидан ҳам худди шундай натижа билан қайтиб келинган.

**Саҳифа материалларини Жавлон Вафоев, Саидолим Абдураҳмонов, Наргиза Умарова, Нодиржон Юсупов, Санжар Эшмуродов тайёрлади.**

**Аёлнинг донолиги — бебаҳо хазина. Бу хазина оқилалик ва гўзаллик билан сийланган бўлса, бу — катта қудратдир.**

www.yoshlarovozi.uz
yoshlarovozi@umail.uz
O'ZBEKISTON YOSHLAR ITTIFOQI
YOSHLAR OVOZI

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 мартдаги ПҚ-3581-сонли қарорига илова*

# ЗУЛФИЯ НОМИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТИ БИЛАН ТАҚДИРЛАНГАНЛАР РЎЙХАТИ

**Жуллибаева Шаҳодат Куралбай қизи** – Нукус давлат педагогика институтининг 2-босқич талабаси

**Утемуратова Наргиза Алиевна** – Қорақалпоғистон Республикаси Нукус маданият ва санъат коллежининг 2-босқич ўқувчиси

**Аҳмедова Дилрабо Обид қизи** – Андижон давлат университетининг 1-босқич талабаси

**Обиджонова Эъзоза Акмалжон қизи** – Андижон вилояти Марҳамат қишлоқ ва сув хўжалиги касб-ҳунар коллежининг 1-босқич ўқувчиси

**Бахшиллоева Гулчирой Бахтиёр қизи** – Бухоро санъат коллежининг 2-босқич ўқувчиси

**Бозорова Сафия Сафар қизи** – Бухоро вилояти Жондор туманидаги 21-умумий ўрта таълим мактабининг 10-синф ўқувчиси

**Абдуллаева Висола Убайдулла қизи** – Жиззах транспорт ва алоқа касб-ҳунар коллежининг 2-босқич ўқувчиси

**Шокирова Азиза Илҳом қизи** – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Жиззах академик лицейи 2-босқич ўқувчиси

**Нейматова Юлдуз Қосим қизи** – Қашқадарё вилояти Китоб иқтисодиёт ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежининг 3-босқич ўқувчиси

**Чориева Малика Шухратовна** – Қашқадарё вилояти Қарши туманидаги 59-умумий ўрта таълим мактабининг 10-синф ўқувчиси

**Аъзамова Муниса Акрам қизи** – Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг 1-босқич талабаси (Навоий вилояти)

**Маннонова Маҳлиё Ҳафиз қизи** – Навоий вилояти Учқудуқ тумани болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг дзюдо бўйича мураббийи

**Ёқубжонова Шаҳноза Тўлқинжон қизи** – Наманган санъат коллежининг 3-босқич ўқувчиси

**Сайфиддинова Муштарийбегим Фахриддин қизи** – Наманган давлат университетининг 1-босқич талабаси

**Саматбоева Мафтуна Тўлқинжон қизи** – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти қошидаги академик лицейнинг 3-босқич ўқувчиси

**Яхшиликова Раъно Илҳомиддин қизи** – Самарқанд вилояти Қўшработ қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежининг 3-босқич ўқувчиси

**Исоқова Гулчирой Ўктам қизи** – Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг 2-босқич талабаси (Сирдарё вилояти)

**Мамирова Мадинабону Эркин қизи** – Сирдарё вилояти Гулистон санъат коллежининг 2-босқич ўқувчиси

**Саҳиева Матлуба Тошпўлат қизи** – Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Сурхондарё вилояти кенгаши қошидаги «Саломатлик ва экология» маркази раҳбари

**Шаймардонова Мухлиса Усмоновна** – Сурхондарё вилояти Термиз шаҳридаги 4-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернатининг 8-синф ўқувчиси

**Каримова Мухтасар Дилшод қизи** – Тошкент вилояти Бекобод туманидаги 6-умумий ўрта таълим мактабининг 9-синф ўқувчиси

**Умирзоқова Ирода Абдигапбар қизи** – Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳридаги 14-умумий ўрта таълим мактабининг 8-синф ўқувчиси

**Жўраева Севара Муротжоновна** – В.Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейининг 10-синф ўқувчиси (Фарғона вилояти)

**Эрматова Зулайҳо Рустамжон қизи** – Фарғона политехника институтининг 2-босқич талабаси

**Абдикаримова Зуҳра Баҳромовна** – Урганч давлат университетининг 4-босқич талабаси

**Юсупова Шоҳида Умиджон қизи** – Хоразм вилояти Янгибозор педагогика ва спорт коллежининг 3-босқич ўқувчиси

**Абдуллаева Иноятхон Бунёд қизи** – В.Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейининг 3-босқич ўқувчиси

**Абдусатторова Баҳора Фазлиддиновна** – Ўзбекистон Миллий университетининг 1-босқич талабаси


Жуллибаева Шаҳодат Куралбай қизи


Утемуратова Наргиза Алиевна


Аҳмедова Дилрабо Обид қизи


Обиджонова Эъзоза Акмалжон қизи


Бахшиллоева Гулчирой Бахтиёр қизи


Бозорова Сафия Сафар қизи


Абдуллаева Висола Убайдулла қизи


Шокирова Азиза Илҳом қизи


Нейматова Юлдуз Қосим қизи


Чориева Малика Шухратовна


Аъзамова Муниса Акрам қизи


Маннонова Маҳлиё Ҳафиз қизи


Ёқубжонова Шаҳноза Тўлқинжон қизи


Сайфиддинова Муштарийбегим Фахриддин қизи


Саматбоева Мафтуна Тўлқинжон қизи


Яхшиликова Раъно Илҳомиддин қизи


Исоқова Гулчирой Ўктам қизи


Мамирова Мадинабону Эркин қизи


Саҳиева Матлуба Тошпўлат қизи


Шаймардонова Мухлиса Усмоновна


Каримова Мухтасар Дилшод қизи


Умирзоқова Ирода Абдигапбар қизи


Жўраева Севара Муротжоновна


Эрматова Зулайҳо Рустамжон қизи


Абдикаримова Зуҳра Баҳромовна


Юсупова Шоҳида Умиджон қизи


Абдуллаева Иноятхон Бунёд қизи


Абдусатторова Баҳора Фазлиддиновна



**Дилноза КАТТАХОНОВА,**
Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси ўринбосари

Аёлларни ардоқлайдиган юрт ва миллат вакили эканимдан фахрланаман. Бугун Ўзбекистонда хотин-қизларга эътибор ўзгача.

Шу боис ўзбек аёли илм-фан, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, санъат, спорт ва бошқа кўплаб соҳаларда ўз салоҳиятини намоён этаётир. Мамлакатимизда раҳбар аёллар сафи тобора кенгаётгани ҳам айни ҳақиқат.

2017 йил ҳаётим ва фаолиятимда янги босқични бошлаб берди. Давлатимиз раҳбари, қолаверса, кўп миллионли ёшлар менга ишонч билдириб, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси ўринбосари лавозимига тайинландим. Шунинг ўзи жамиятимизда хотин-қизлар нечоғлик юқори мавқега эга эканидан далолат беради.

Бугун баҳорий кайфият билан фусункор айёмни нишонлаяпмиз. Фурсатдан фойдаланиб, азиз опа-сингилларни байрам билан чин дилдан қутлайман! Яна бир гапни алоҳида таъкидлашни хоҳлардим: дунёнинг турли минтақаларида аёллар ўз эркига ташна яшаётган бир пайтда, биз истаган олий ўқув юртида ўқишимиз, масъулиятли вазифаларда ишлашимиз мумкинлигининг ўзи катта бахт. Энди бунинг қадрига етиб, бор куч-ғайратимизни Ватан манфаати йўлида сафарбар этмоғимиз даркор.



**Меҳриноз АББОСОВА,**
Республика ёш ижодкорлар кенгаши раиси

Аслида шоир учун Яратган ато этган иқтидор, илҳомдан олийроқ мукофот йўқ. Тинч ва осуда Ватанда яшасанг, ўзингни бемалол бахтиёр одам, деб санашинг мумкин.

Биз, Ўзбекистон фарзандлари чиндан ҳам толеи порлоқ авлодмиз. Юртимизда ижод аҳли ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватланмоқда. Айниқса, адабиётга эътибор ўзгача. Ҳукуматимиз томонидан ҳар бир таълим масканида ёш ижодкорлар мактабини яратиш, улуғ шоиру ёзувчилар адабий меросини чуқур ўрганиш ва тарғиб қилиш, замонамиз қаҳрамонлари гавдалантирилган забардаст асарлар яратиш учун неки шароит керак бўлса, ҳаммаси муҳайё қилинмоқда.

Президентимиз ёшларга кенг имкониятларни, нуфузли Давлат мукофотларини мақтаниб юриши учун эмас, балки ўз соҳасини ривожлантирсин, янгилик яратсин, юксак марраларни забт этсин, деган мақсадда тақдим этяпти. Бундай эътибордан сўнг шунчаки ёзиб ҳам, шунчаки яшаб ҳам бўлмайди!

Бугун қалбимизга яна қувонч инди — Халқаро хотин-қизлар кунини нишонламоқдамиз. Аёллар баҳорга, баҳор эса, аёлларга ўхшайди — иккиси ҳам гўзал, ёқимли, суюкли... Аёл — мўъжизанинг ўзгинаси. Уни англаб, эҳтиром кўрсатган эл ҳеч қачон кам бўлмайди. Исботини Ўзбекистонимиз мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Ортиқча сўзга ҳожат йўқ.

Ҳар куни тонгда тандирда нон ёпиб, далада меҳнат қиладиган аяжонларимдан тортиб, давлат ва жамият ишларида ғайрат-шижоат кўрсатаётган опа-сингилларимгача, умуман, аёл бўлиб яралган барча мўътабар зотларга айём муборак бўлсин! Тинчлигимизга, фаровон ҳаётимизга кўз тегмасин.



**Дилноза УМРЗОҚОВА,**
Ёш дизайнерлар кенгаши раиси

Дунёда энг тотли нарса нима десалар аёл, албатта, фарзанди, оиласи, тинчлик ҳақида сўз очади. Дарҳақиқат, бизга шуларнинг ўзи кифоя.

Бугунги аёл нафақат оиласи, балки давлат ва жамият учун ҳам керакли шахсдир. Буни ўз мисолимда теран англаяпман. Имкониятлардан тўғри фойдаланиб, иқтидоримни чархладим, узоқ вақт изландим, меҳнат ва ҳаракат қилишдан толмадим. Мана энди, Ёш дизайнерлар кенгашининг раисиман. Бу вазифа ўзига яраша залворли. Лекин инсонни тоблайди. Ахир, зиммангга улкан ишонч ва масъулият юкланган бир пайтда қўл қовуштириб ўтириш мумкинми?!

Юртимиздаги ёшларга оид давлат сиёсатидан мамнунман. Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ташаббуси билан республикамизнинг турли минтақаларида яшаётган юзлаб иқтидорли қизлар билан танишиб, имкон қадар маҳоратини оширишга ҳаракат қиляпмиз. Кўп эътибор бераман, ўша опа-сингилларимнинг чеҳрасидан нур ёғилади. Ҳақиқий ўзбек аёлининг латофати мана шундай самимийлигида бўлса керак.

Мен юртимизнинг барча хотин-қизларини байрам билан муборакбод этаман. Элимиз бахтига ҳамиша соғ-омон бўлсинлар!



**Хуршида РАСУЛОВА,**
шифокор олима, Европа инсультга қарши курашиш жамияти аъзоси

Хаста инсонни кўрсам, қалбим алланечук бўлиб кетади. Болаликдан шундай эдим. Одамлар дардига малҳам бўлиш истаги мени Тошкент тиббиёт академиясига бошлаб келди.

Ўқишни тамомлагач, ўз мутахассислигим бўйича халқаро тажрибани ўргандим. Бир қанча хорижий мамлакатларда бўлдим. Инглиз тилини мукаммал билишим қўл келди.

Шунча йўлни босиб ўтиб, олдимда ҳали забт этилмаган марралар кўплигини теран англайман. Лекин ҳар сафар ўзимга-ўзим: "Яхшиямки шифокор бўлдим", дейман.

Охирги йилларда юртимиз тиббиёт соҳасида катта ўзгаришлар рўй берди. Шошилинч тез тиббий ёрдам тизими, тиббий патронаж хизмати тубдан ислоҳ қилиниб, ҳуқуқий асоси мустаҳкамланди. Бундан халқимиз, қолаверса, биз, соҳа ходимлари ҳам беҳад мамнунмиз.

Инсульт касаллигини даволаш бўйича илмий изланишлар олиб бордим. Натижада дунёда биринчилардан бўлиб мазкур хасталик кузатилганда қон-томир тизими, бош мия ва буйраклар функциясининг бузилишига тўғри ташхис қўйиш ҳамда даволаш усулини амалиётга татбиқ этдим. Германия, италиялик мутахассислар тадқиқотимга катта қизиқиш билдирган.

Йил бошида ўтказилган "Ўзбекистон аёлларининг 100 та энг яхши инновацион лойиҳаси" республика кўрик-танловида "Шифокор ихтирочи аёл" номинацияси бўйича ғолиб бўлдим. Аслида бу каби танловларнинг жорий этилгани мамлакатимизда аёлларга кўрсатилаётган эътибор намунасидир. Бошқа томондан, улар ўзбек аёли ҳар жабҳада илгарилаб бораётганини кўрсатади.

Шундай ташаббускор ва илғор опа-сингилларимни Халқаро хотин-қизлар куни билан самимий қутлайман. Жамият ривожи йўлида беминнат хизмат қилишдан толманг, дейман.

**Аёлни сева олмаган одам дунёнинг энг гўзал сирларидан бехабар ўтади.**

МУАССИС
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2017 йил 2 августда № 0242 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.
ISSN 2010-6998
БОШ МУҲАРРИР
Каримов Фахриддин Турдалиевич

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Камолиддин Бекназаров, Мансур Бекмуродов, Лазиз Тангриев, Мадамин Сафаров, Алишер Саъдуллаев, Дилмурод Набиев, Азим Мирзажонов, Нодир Абдуқодиров, Наргиза Умарова – бош муҳаррир ўринбосари ("Yoshlar ovozi"); Ирина Кочергина — бош муҳаррир ўринбосари ("Молодежь Узбекистана"); Елена Калинина – масъул котиб ("Молодежь Узбекистана").

Дизайнерлар
Рўзиев Зафар Ҳусанович
Абдуллаев Хуршид Ўктамжонович
Навбатчи
Акбаржон Абдураимов
Газета материаллари таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«YOSHLAR OVOZI»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт. Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

Таҳририят манзили: 100029, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Телефонлар: (371) 150-22-74, (371) 233-95-97.
(371) 233-79-69 (факс).
E-mail: yoshlarovozi@umail.uz
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида, А-2 форматда чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табоқ.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41.
Индекслар: 203, 3203
Баҳоси келишилган нархда.
Буюртма Г-336
Адади — 27260
Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 00.30
ЎзА якуни — 22.37
Офсет усулида босилган.
1 2 3 4 5 6